

Колумбияда ўтказилган мавлид тадбири 10 та тилда ижро этилди



12:31 / 29.11.2018 1982

Тадбир “Мавлид ҳафталиги” дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, унда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бағишланган шеърлар ва нашидлар 10 та тилда ўқилган.

Колумбия пойтахти Боготадаги тадбир “Ал-Қуртубий” исломий тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилди, деб хабар беради IQNA. Маросимда, шунингдек, Фаластиннинг Боготадаги элчиси Рауф Ал Малики, сенатор Эдгара Энрике Паласио Мизрахи ҳамда мусулмонлардан ташқари шаҳардаги православ, протестант, буддистлар жамоалари ва маҳаллий фуқаролар иштирок этишган.

“Тинчлик, хотира ва ярашиш” марказидаги ушбу тадбирда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларидан лавҳалар, ҳадисларидан намуналар ўқиб эшиттирилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун турк, немис, араб, француз, инглиз, пуштун, урду, мандарин, япон ва испан тилларида ёзилган қасида ва шеърларнинг бир даста гуллар билан иштирокчиларга тарқатилгани иштирокчиларда катта таассурот қолдирган.

Бошқа дин ва эътиқод вакиллари ҳам тадбирдан хушнуд бўлганларини ифода этдилар, дейилади хабарда.

Тадбирда сўзга чиққан Сенатор Мизрахи, айнан мана шундай турли миллат ва элатларнинг эмин-эркин яшаши мамлакатни бой қилаётганини таъкидлади. Демократик мамлакатда сиёсатчилар одамларнинг эътиқод эркинлиги остида яшаши учун ишлашлари лозимлигини маълум қилган сенатор “Биз ҳаммамиз Колумбияга сиғамиз” деди.

Тадбир якунида меҳмонлар байрам дастурхонига таклиф этилди.

Islom.uz портали таҳририяти